



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 25 март, № 60 (8955)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТОНГГА ПЕШВОЗ ЧИҚҚАН МУҚАДДАС ЗАМИН



«Ислом динининг гумбази»

Бухоро шаҳри ўз тарихи давомида неча бор истило ва босқинлар оқибатида ўт ичида қолган, теп-текис чўлга айланган, аммо қулдан пайдо бўлган афсонавий қақнус қуш каби яна ўз ўрнида қад ростлаган. Ҳаёт тўхтамаган. Ва айнан ўз ўрнида қайта ва қайта тикланган кўҳна шаҳарлар дунёда саноклидир.

Аҳамиятлиси, дунёдаги 7 та шаҳарга «шариф» унвони берилган

Бугун Бухоро вилоятини кезсангиз, ҳар қадамда ҳаётбахш ўзгаришлар, бунёдкорлик ва ободлик манзараларига, келажакка ишонч ҳисси билан яшаётган инсонларга дуч келиб, қалбингиз нурга тўлади. Шу билан бирга, тарих тилсимлари ўзига чорлайди.

Осориатикаларга бой кентлар қаторида Бухоро шаҳрининг ўрни бўлакча. Қадимда «Нумижкат», «Бумичкат», «Мадинат ат-тужжор», «Фохира» деган номлар билан ҳам аталган шаҳарнинг 400 дан зиёд меъморий ёдгорликлари бор.

Вилоятнинг ҳар қарич ери азиз, ҳар қисм тупроғи муқаддас. Тарихий китобларда Бухородан ҳам қадимийроқ дейилган Варахша, шунингдек, Пойкент ва Вардонзедан топилган осориатикалар, Ромитан, Вобкент, Ғиждувондаги обидалару муборак қадамжолар бу ҳудудлар қандай шонли ўтмишни бошдан кечирганидан, не-не улуг зотларга бешик бўлганидан сўзлайди.

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

бўлса, уларнинг бири Бухородир. Бу кентни «Ислом динининг гумбази», муқаддас, шарафли, шарофатли шаҳар деган номга муносиб этмоқ эса Ҳожа Имом Абу Ҳафс Кабир (768 — 832 йиллар), Имом Бухорий (810 — 870 йиллар), «Шайх ул-олам» унвони билан танилган Сайфиддин Боҳарзий (1190 — 1261 йиллар) ва уларнинг шогирду издошлари зиммасига тушди.

Имом Бухорийнинг устози саналган Абу Ҳафс Кабир манбаларда жуда зеҳнли, салобатли, хотираси ўткир,

сўзи кескир, ҳалол ва адолатпарвар инсон бўлгани айтилади. Бошқалар бир ҳафтада ёд оладиган ояту ҳадисларни у бир кунда хотирасига муҳрлаган. Ҳаётини масалалар юзасидан баҳс юритувчи фикҳ илмини мукамал эгаллаган. Бухорода мадраса бунёд этган.

Ривоятларда айтилишича, сершовқин Шахристон бозориде кунига икки бор бир лаҳзалик сукунат чўкар эди. Бу Абу Ҳафс Кабирнинг мадрасага бориш ва ундан қайтиш вақтида рўй берарди.



Дунё нигоҳи



Хитой пойтахтида «World Leisure Awards — 2024» мукофоти ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Кувонарлиси, унда Ўзбекистон 2024 йилда маданий ҳордиқ чиқариш учун энг яхши йўналиш, деб топилди. «Travel&leisure» нашри томонидан уюштирилган тадбирда хорижий дипломатик корпус, туризм соҳаси мутахассислари ва Хитой оммавий ахборот воситалари қатнашди.



ЎЗБЕКИСТОН —

МАДАНИЙ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ЭНГ ЯХШИ ТУРИСТИК ЙЎНАЛИШ

Нашр бош муҳаррири ҳамда асосчиси Сяо Ян ўз қиёсиде Ўзбекистон туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга ва мамлакат сайёҳлар учун энг қулай жойлардан бири эканини таъкидлади. «Ўзбекистон ноёб архитектураси, тарихий обидалари ва сайёҳлик имкониятлари билан ҳар йили бутун дунёдан миллионлаб сайёҳларни фаол жалб этмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистонга саёҳат қилишнинг хоҳловчи хитойлик сайёҳлар сони ҳам ортиб бораётгани, эътиборлидир», деди у.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишловлар билан ҳам таништирилди. Давлатимиз раҳбарияти томонидан кўрсатилаётган эътибор тўғрисида мамлакатимизда туризмнинг янги йўналишлари

ривожланиб, инфратузилма яхшиланаётгани, Ўзбекистон сайёҳлик маркази сифатида эътироф этилаётгани айтиб ўтилди.

2025 йил Хитойда «Ўзбекистон туризм йили» деб эълон қилинган ва ушбу йил доирасида мамлакатнинг турли шаҳарларида маданий тадбирлар ўтказилаётгани таъкидланди. Айтилганидек, хитойлик сайёҳларнинг Ўзбекистонга оқимини кўпайтириш мақсадида икки давлат ўртасидаги ҳаво қатновлари сони икки баробар оширилди.

Шунингдек, 2025 йилда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси 1985 йилдан буён илк бор Париждан ташқарида, яъни Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтишига ургу берилди.

«Дунё» АА.
Пекин

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ БИРГАЛИКДА КУРАШИШ ЗАРУР

Коррупция — жамият тараққиётига таҳдид солаётган иллатлардан бири. У фуқароларнинг давлат ва жамиятга бўлган ишончини сўндириб, қонун устуворлигига путур етказиши. Шу сабабли, мамлакатимизда коррупцияга қарши кескин кураш олиб бориш устувор вазифага айланди. Президентимиз Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг яқинда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида бу борада ўзаро тажриба алмашиш ва мулоқотларни кучайтириш, илмий изланишлар олиб бориш масалаларига эътибор қаратди. Йиғилишда олий таълим муассасалари ректорларига талаба ва ёшларнинг коррупцияга қарши лойиҳалари, стартап ва инновацион ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини йўлга қўйиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Нуқтаи назар

Айтиши жоизки, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасизлик кайфиятини шакллантиришда 2024 йил 21 июнда имзоланган «Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорида белгиланган вазифалар муҳим ўрин тутди. Унда аҳоли ва давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳалоллик имунитети

тини мустаҳкамлаш, ёш авлод онгига софлик қадриятларини сингдириш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги миллий ва хорижий тажриба, илмий, услубий ва амалий ишланмалар, эришилган ютуқлар бўйича электрон маълумотлар базасини юритиш, коррупцияга қарши курашишнинг долзарб муаммолари юзасидан илмий тадқиқот дастурлари ва лойиҳаларини, жумладан, миллий, хорижий ва халқаро грантларни жалб қилган ҳолда амалга ошириш вазифалари белгиланган.

Бу — мамлакатимиз олий таълим тизимига ҳам бирдек тегиш-

ли. Аммо сир эмас, сохта ёки шубҳали илмий мақолалар чоп этилиб, илмий натижалар кўпича манипуляция қилиниши ҳам учрайди. Бунинг олдини олиш учун илмий маълумотлар базаси яратиш ва ҳар бир илмий ишнинг тадқиқот методологияси, маълумотлар ва натижалари очикланишини талаб этиш, очик илмий журналларни ривожлантириш ва плагиат текширувида энг юқори ишончли дастурлардан фойдаланиш борасида мажбурий тартибни жорий қилиш зарур. Илмий ишланмаларнинг сохта ёки асоссиз эканлиги аниқланса, жавобгарлик чоралари қўрилиши лозим.

Айниқса, плагиатларга қарши курашиш ва илмий ҳалолликни таъминлаш даркор. Чунки илмий мақолалар ва диссертацияларнинг маълум бир қисми плагиат ёки такрорий ёзиш орқали амалга оширилиб, бу ижтимоий адолат таъминланишига таҳдид солмоқда. Ушбу иллатларнинг олдини олиш учун мажбурий антиплагиат тизимини такомиллаштириш, барча илмий ишлар замонавий дастурлар («Turnitin», «iThenticate» ва бошқа) орқали назоратчи билан бирга текширилиши лозим.



ҲАРБИЙЛАРИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО РЕКОРДИ

Шу йилнинг 17 — 20 март кунлари АҚШнинг Миссисипи штати «Camp Shelby» ҳарбий-ўқув базасида бўлиб ўтган «Энг илгор жангчи — 2025» мусобақасида Ўзбекистон Республикаси Мудфаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари кичик сержант Алишоҳ Абдуллаев ва III даражали сержант Шохрух Жовкашев муносиб иштирок этди.

Фахр

Вазирликнинг Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаментидан хабар беришларича, халқаро ҳарбий ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва махсус бўлинмаларда хизмат қилиш нуфузини ошириш каби мақсадларда ташкил этилган ушбу мусобақада ҳарбий хизматчиларимиз АҚШ Миллий гвардияси-

нинг махсус бўлинмалари ҳарбий хизматчилари билан куч синашди.

Мусобақа давомида ҳарбий хизматчиларимиз яқка таркибда жисмоний тайёргарлик синовлари (6 та машини ўз ичига олган фитнес тест), жисмоний ва руҳий зўриқиш йўлагидан ўтиш, тунда 15 километр масофага ориентирлаш, 15 килограмм юк билан 20 километр масофага марш-югуриш, жанговар ва умум-

ий тайёргарлик бўйича тест синовлари, иншо ёзиш (ҳарбий ҳамкорлик мавзусида 500 тадан кам бўлмаган сўз), артиллерия оловини бошқариш, АҚШ намунасидаги ўқотар қуролларни нотўлиқ қисмларга ёйиш, йиғиш ва жанговар ҳолатга келтириш, шунингдек, улардан турли усул ва шариотларда ўқ отиш, тиббий тайёргарлик, оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш, қўтилмаган машқлар каби шартларни муваффақиятли бажарди.

Жумладан, ҳарбий хизматчиларимиз жамоавий баҳс — 15 килограмм юк билан 20 километр масофага марш-югуриш шартини 1 соат 50 дақиқа ичида бажарди.



АССАМБЛЕЯ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНАДИ

Шу йилнинг 5 — 9 апрель кунлари пойтахтимиздаги Конгресс-холл мажмуасида Парламентлараро Иттифоқнинг 150-йилеи ассамблеяси бўлиб ўтади.

Мазкур анжуманда дунёнинг 180 та мамлакати, 15 та қузатувчи давлат ҳамда 25 дан ортиқ халқаро ва парламентлараро ташкилотлардан 2 мингга яқин делегатлар қатнашиши кутилмоқда.

Анжуман

Асосий — «Ижтимоий ривожланиш ва адолат учун парламент ҳаракати» мавзуида ўтказиладиган ушбу йиғилишда камбағалликни бартараф этиш, муносиб меҳнат шариотларини яратиш, ижтимоий инклюзияни қўллаб-қувватлаш ҳамда қарор қабул қилиш жараёнида камситилган гуруҳлар иштирокини ошириш каби муҳим масалалар муҳокама этилади.

Ассамблея сўнггида Иттифоқнинг резолюциялари ва Тошкент декларацияси қабул қилинади.

«Халқ сўзи».

«БИРИНЧИ ИМКОНИЯТ» — ЁШ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН КАТТА ЙЎЛНИНГ БОШЛАНИШИ

Барчамизга яхши аёнки, Ўзбекистонда Президентнинг тадбиркорлар билан учрашуви яхши анъанага айланган. Хусусан, шу йилнинг 19 март куни ўтказилган навбатдаги самимий мулоқот ҳам амалий ва ҳаётли ташаббусларга бой бўлгани билан таҳсинга лойиқдир.

Фикр

Тадбиркорликка энди қадам қўйганлар учун «биринчи имконият» тамойили жорий қилинаётгани нафақат кичик бизнес вакиллари, балки бутун халқимизни, айниқса, катта ҳаётга кириб келаётган ёш авлодда нихоятда мамнун этгани аини ҳақиқат. Унга кўра эндиликда илк бор

маъмурий ҳуқуқбузарликка йўл қўйган тадбиркор жавобгарликдан озод қилиниб, камчиликни бартараф этиш учун имконият берилади.

Очиғи, кўпчилик тадбиркорлар бизнесни бошлашдан аввал хато қилиб қўйишдан чўчиб туриши рост. Албатта, ҳар қандай авлодда нихоятда мамнун этгани аини ҳақиқат. Унга кўра эндиликда илк бор



ИНСОН ВА ТАБИАТ УЙҒУНЛИГИ, ЯНГИЛАНИШ ВА ЯШАРИШ ШУКУҲИ

Президентимизнинг Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида бу йилги Наврўз муқаддас Рамазон ойида, унинг табарруқ фазилатларига уйғун ҳолда ўтаётгани байрамга алоҳида руҳ, ўзгача файз ва қувонч бағишлаши таъкидланди.

Муносабат

Наврўз азалдан халқимизнинг миллий ва умумбашарий қадриятларга, дунёвий давлат тамойилларига, бағрикенглик, чин дўстлик ва ҳамкорлик ғояларига содиқлигининг яққол рамзи экани, бу айём юртимиздаги барча миллат ва элат вакиллари учун севимли, чин маънода умумхалқ байрамига айлангани алоҳида эътироф этилди.

Дарҳақиқат, Наврўз халқимиз учун энг қадимий ва азалий байрамлардан бири бўлиб, у табиат қўйнида ўзгаришлар бошланган, дов-дарахтлар, майсалар уйғониб, қуртаклар ниш ура бошлаган, тун билан кун тенг келган пайт, янги кун ҳисобланади.



Учрашув

КУН ТАРТИБИДА – ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси ўринбосари О. Маматкаримов Вьетнам Социалистик Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулдада ва мухтор элчиси Даны Мин Кхой билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Вьетнам ўртасидаги икки томонлама муносабатлар, хусусан, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамда туризм соҳаларидаги ҳамкорлик муҳокама марказида бўлди.

Таъкидланганидек, 2024 йилда икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 189,3 млн. АҚШ долларини, шундан экспорт — 17,7 млн., импорт эса 175,6 млн. долларни ташкил қилди.

Хар икки мамлакат ҳам туризм соҳасида улкан салоҳиятга эгалиги қайд этилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ва Вьетнам фуқаролари ўртасида ўзаро туристик ташрифларни кенгайтириш масаласи кўриб чиқилди.

Мулоқот чоғида 5—9 апрель кунлари Тошкент шаҳ-

рида ўтказиладиган Парламентлараро Иттифокнинг 150-юбилей ассамблеясига тайёргарлик ишлари бўйича маълумот берилди. Таъкидланганидек, ушбу нуфузли тadbир тарихда ilk бор Ўзбекистонда ўтказилаётган ва унда Парламентлараро Иттифокнинг 190 га яқин аъзо давлатларида 2 мингга яқин парламентарийлар иштирок этади.

Элчи Вьетнам Миллий Мажлиси Раиси Чан Тхань Ман бошичилигида 120 нафарга яқин делегация аъзолари мажлис анжуманда катнашишини маълум қилди.

Учрашув якунида икки мамлакат ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларни янада кенгайтиришга, ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил давом эттиришга келишиб олинди.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН МУЛОҚОТ

24 март кuni Олий Мажлис Сенати аъзолари “Қатар — Ўзбекистон” парламентлараро дўстлик гуруҳи вакиллари билан онлайн мулоқот ўтказди.

Унда пойтахтимизда бўлиб ўтадиган Парламентлараро Иттифокнинг 150-юбилей ассамблеясига оид бир қатор масалалар муҳокама қилинди ва аниқ таклифлар билдирилди.

Шунингдек, Ўзбекистон ва Қатар ўртасидаги стратегик муносабатлар изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди ва парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув якунида икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида мунтазам равишда мулоқот ўтказишга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

«БИРИНЧИ ИМКОНИАТ» — ЁШ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН КАТТА ЙЎЛНИНГ БОШЛАНИШИ

Мухими, бу хатолардан сабоқ олиш ва келажакда уларни такрорламасликдир. “Биринчи имконият” тамойили шунга асосланган бўлиб, тadbиркорларга масъулият ва қонуний тартибларга мослашишга ёрдам беради. Қолаверса, янги бизнесга маъмурий жарималар юклаш ўрнига камчиликларни бартараф этиш учун фурсат бериш орқали тadbиркорлар тезроқ оёққа туриши мумкин.

Шу билан бирга, янги ишбилармонларнинг ўзларини хавфсиз ҳис қилиб, инновацияларга эътибор қаратиш имконияти кенгайди.

Яна бир муҳим жиҳати, жазо эмас, тузатиш ва қўллаб-қувватлаш тамойили орқа-

ли соҳага энди қадам қўётганларга мотивация ва ишонч берилмоқда. Бу эса янги иш ўринлари яратилиши ҳамда иқтисодиётнинг ўсишига хизмат қилади.

Умуман олганда, ҳар бир йирик тadbиркорнинг муваффақиятли бизнеси бир пайтлар кичик гоа ва илк имкониятдан бошланган. Аммо кўпчилик учун айнан шу биринчи қадамни ташлаш мушкул. “Биринчи имконият” тамойили айнан шу муаммони ҳал қилиш учун жорий этилиб, тadbиркорликка янги кириб келаяётганларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ресурслар ва шарт-шароитлар яратишни мақсад қилади.

ИНСОН ВА ТАБИАТ УЙҒУНЛИГИ, ЯНГИЛАНИШ ВА ЯШАРИШ ШУКУҲИ

Эзгулик, муҳаббат, хайр-саховат, мурувват, шафқат ва шафқат, янгилиниш ва яшариш рамзи бўлмиш бу айёмни озиқиб қутиш, зўр шоду ҳуррамлик билан нишонлаш эл-юртимиз учун олижаноб анъаналарга айланиб қолган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки у табият уйғониши, ҳаёт тантанаси ва баҳорий кўркамликни ифодалаб, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барчани тенглик ва адолат тамойилилар асосида, ўзаро меҳр-оқибат кўрсатиб яшашга чақиради.

Наврўзи олам бизни бутун борлиқни, аввало, ер ва сув, ҳайвотот ва ўсимлик дунёсини, соф ҳавони асраб-авайлаб, она табиятта меҳрибон фарзанд бўлиб яшашга даъват этади. Юртимизда “янги кун”нинг бошланиши билан кўз олдимизда ерга уруғ қадаётган, кўчат ўтказаятган бободехон сиймоси намён бўлади. Боиси ушбу айём арафасида ерлар экин қилишга тайёрланади, дов-дархатлар буталиб, ниҳоллар экилади.

У инсон ва табият учун экотизим яхлит ва бўлинмас экан, ҳаёт абадияти, она заминга меҳр, тинчлик, меҳнат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик каби умуминсоний гояларни тараннум этади гўё. Шунинг учун БМТ Бош Ассамблеясининг 2010 йил 23 февралдаги резолюциясига биноан, 21 март санаси Халқаро Наврўз кuni, деб эълон қилинган.

Наврўз — янги кун, янги фасл демакдир. Бугун унинг руҳи ва фалсафаси Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йилининг

гоя ва мақсадлари билан уйғун, ҳамоҳанг равишда намён бўлмоқда.

Ўзаро меҳр-оқибат, саховат ва мурувват кўрсатиш, табаррук нуронийларни йўқлаб, дуосини олиш, ногиронлиги бор, ёрдамга муҳтож инсонлар ҳолидан хабардор бўлиш, хашарлар уюштириш, юртимизни янада обод қилиш каби савобли юмушларимиз Наврўзнинг уйғунага файз қўшапти. Чунки фангиз ўзига хос жиҳатлари, ҳеч бир байрамга қийсалб бўлмайдиган гўзал анъаналари бор. У чинакам халқ байрами, миллий ўзлгимиз кўзгуси, маънавий ва маданий ҳаётимизнинг ажралмас қисмидир. Наврўзи оламнинг мазмун-моҳиятида инсонни улуглаш, унинг қадри, издат-хурматини жойига қўйиш каби эзгу фазилатлар мумжассам.

Бинобарин, Наврўзи олам асрлар давомида баҳор, эзгулик, меҳр-оқибат, меҳнат ва бунёдкорлик рамзи сифатида эл-юртимизнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида бекиёс ўрин тутиб келмоқда. Бу мунаввар айём кейинги йилларда Ватанимизда амалга оширилаётган “Инсон қадри учун, инсон бахти учун”, деган олижаноб гоёга ҳамоҳанг бўлиб, том маънода умумхалқ байрамига айланиб, десак, асло янглишмаймиз.

Бу аҳойиб, хосиятли байрам кунлари хонадонларда махсус баҳор таомлари, яъни ялғиз, отқулқ, жағ-жағ ва бошқа кўкатлардан сомса, пaтир, бийрон ва чучвара тайёрланади. Айниқса, сумала сайли алоҳида кўтаринчилик билан қутиб олинади. Сумалак

Наврўз байрамининг шох таомларидан бири бўлиб, аждоқларимиз ушбу байрамда айнан шу таомни пиширган. Сабаби, сумалак пишириш учун дехқончиликда уруғликка мўлжалланган энг сара бугдойдан танлаб олинган. У дехқонлар учун тансиқ таом бўлиш билан бирга, уруғлик бугдойни синовдан ўтказувчи лабораторияга айланган. Бу синовдан муваффақиятли ўтган уруғлик бугдойлар дaлaлaрaга экилган.

Шунингдек, Наврўзда донишманд аждоқларимиз заминга етти хил экин уруғини қадашган ва уларнинг униб чиқишига қараб, йилнинг қандай келишини олдиндан тахмин эта олган. Ушбу айём бизни табият фарзанди бўлиб, Ватан тупронини, она заминдаги ҳар бир гиёҳни кўзимизга тўтиё қилиб яшашга ўргатади. Ҳаммамизга инсонийлик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик фанидан сабоқ беради.

Табият уйғонишининг тимсоли, яшариш ва янгилиниш рамзи бўлиши Наврўзи оламни халқимиз ўзгача руҳ, кўтаринчилик билан қарши олиши сабаби ҳам шунда. Масалан, бу йилги байрам тadbирлари ҳам Президентимизнинг жорий йил 21 февралдаги “2025 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ кенг нишонланади. Айни вақтда ҳудудларда байрамона тadbирлар, сайиллар давом этмоқда.

Бугун юртимизда рўй бераётган бекиёс ўзгаришлар, улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишлари

“Биринчи имконият”, бу — ёш тadbиркорлар учун катта йўлнинг бошланиши. Агар улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланса, зарур шарт-шароитлар яратилса, янги иш ўринлари пайдо бўлади ва табиийки, мамлакатимиз иқтисодиёти янада тараққий топади. Ишончимиз комилки, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ушбу ташаббус яқин йилларда ўз самарасини беради.

Шухрат АСПАНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.

қўлам, Наврўз каби ҳаётимизга, кўнглимизга илиқлик бахш этмоқда. Ҳаётимизга Наврўзнинг қадимий руҳи ва фалсафасига мос “яшил иқтисодиёт” ва “яшил энергия” деган янги тушунарлар кириб келмоқда. Ижтимоий ҳаётимизда “ақли шаҳар”, “ақли уй”, “яшил хонадон” каби тамойиллар кенг ўрин эгаллаётти. Худудларнинг ўзига хос “ташриф қоғози”га айланиб бораётган “Янги Ўзбекистон” тураржой массивлари янги экоцивилизациянинг дастлабки миллий намунаси, десак, янглишмаймиз.

Ҳозирги кунга келиб, Президентимиз саяё-ҳаракати билан Наврўз айёмининг нишонланиши мазмунан ва шаклан янада бойитилди. Расмийтачиликдан холи халқ сайилларининг қамрови кенгайиб, миллий удум ва анъаналаримизнинг янги қирраларини ўзида намён этаётган тadbирлар одамларга олам-олам қувонч бағишламоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқини тинглаб, бунга яна бир қарра амин бўлдик.

Бугун Наврўз ўзининг буюк қудрати билан табиятни уйғотмоқда. У кишиларга яшариш ва бунёдкорлик, покланиш ва янгилиниш, руҳий кўтаринчилик тақдим этади. Зотан, у шунчаки намойиш, шунчаки байрам эмас, балки инсоний туйғуларга қувват бергувчи, одамларни бир-бирига яқинлаштиргувчи, жипслаштиргувчи бебаҳо қадриятдир.

Одинахон ОТАХОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

АТРОФ-МУҲИТГА ОИД ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОКИ КАФОЛАТЛАНАДИ

Шу йил 11 март кuni Президентимиз “Атроф-муҳит билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнида жамоатчиликнинг ахборот олиш имконияти, иштироки ва одил судловга эришиш имконияти тўғрисидаги Конвенцияга (Орхус, 1998 йил 25 июнь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида”ги Қонунни имзолади.

Шарҳ

Авалло, ушбу Конвенциянинг мақсадига тўхталсак, у инсоннинг соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳамда қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим халқаро ҳужжат ҳисобланади.

1998 йил 25 июнь кuni Орхус шаҳрида (Дания) Европа иқтисодий комиссиясига аъзо давлатлар атроф-муҳит ва заирларнинг 4-конференциясида 38 та мамлакат томонидан имзоланган мазкур Конвенциянинг бугунги кундаги иштирокилари сони 47 тага етган.

Конвенцияга қўшилган ҳар бир мамлакатга унинг қоидаларини амалга ошириш учун аниқ, шафқоф ва мувофиқлаштирилган тузилмани яратиш ҳамда қўллаб-қувватлаш учун зарур қонунчилик ва тартибга солиш чораларини қўриш мажбурияти юклатилади. Шунингдек, томонлар қарор қабул қилиш жараёнида жамоатчилик иштирокининг самардорлигини оширишга интилиши лозим.

Конвенция учта асосий блокдан иборат. Жамоатчиликнинг экологик маълумотларни олиш бўйича ҳуқуқлари кафолатлари, экологик аҳамиятга эга бўлган қарорларни қабул қилиш жараёнида жамоатчилик иштирокининг таъминланиши, атроф-муҳит масалалари бўйича жамоатчиликнинг одил судловга мувожаат этиш ваколатлари шулар жумласидан.

Экологик маълумотларни олиш кафолатлари қуйидагиларни ташкил қилади: — маълумот олиш эркинлиги;

— интернет орқали жамоатчиликнинг фаол хабардор қилиниши, атроф-муҳит ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларнинг чоп этилиши;

— маълумот беришдан бош тортишдан олдин, жамоатчиликнинг унга бўлган қизиқиш даражасини ҳисобга олиш лозимлиги;

— агар маълумот сўраб мувожаат қилинган органларда маълумот бўлмаса, сўровни қаноатлантириш имкониятига эга бўлган органларга йўналтирилиши;

— инсон саломатлиги ва/ёки атроф-муҳитга таҳдид юзага келганда жамоатчиликнинг дарҳол хабардор қилиниши.

Факатгина қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинган ҳолатларда айрим маълумотлар тақдим этилмаслиги мумкин.

Конвенция, шунингдек, атроф-муҳитга доир қарор қабул қилиш жараёнида

жамоатчилик иштирокини таъминлаш ва атроф-муҳит билан боғлиқ масалалар бўйича одил судловдан фойдаланишда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни қўллаб-қувватлайди.

Конвенцияга қўшилишнинг ижобий жиҳатлари кўп. Бунда, аввало, фуқаролар ва экологик нодавлат нотихорат ташкилотларининг соҳадаги маълумотларга бўлган эҳтиёжи қондириб борилади. Асосланиш талаб қилмайдиган зарур маълумотларнинг талаб бўйича мажбурий равишда тақдим этилиши йўлга қўйилади.

Очик интернет-ресурсларда бирламчи ва қайта фойдаланиш учун атроф-муҳит ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларни, очик маълумотларни ва бошқа ахборотларни чоп этиш орқали жамоатчиликни фаол хабардор қилиб бориш йўлга қўйилади. Экологик қарорлар чиқариш жараёнининг дастлабки босқичида ҳамда қонун ҳужжатлари, сиёсат асослари, режалар ва дастурларни тайёрлашда жамоатчиликнинг иштироки таъминланади.

Экологик таълим ва атроф-муҳит муаммолари, хусусан, ахборотдан фойдаланиш, қарор қабул қилиш жараёнида қатнашиш ва атроф-муҳитга оид масалалар бўйича одил судловдан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларда жамоатчилик хабардорлиги ошади.

Конвенцияга қўшилиш ва унинг нормаларини миллий қонунчиликка киритиш фуқароларнинг атроф-муҳит билан боғлиқ қарорларни қабул қилишда иштирокини таъминлайди, шунингдек, атроф-муҳит соҳасидаги миллий қонунчиликка rioя этилиши устидан жамоатчилик назоратининг замонавий тизимини ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Мазкур қонун янги таҳрирдаги Конституцияимиз 49-моддасининг ҳаётийлигини кафолатлашга, Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси ижросини таъминлашга ҳамда мамлакатимизнинг бу борадаги халқаро нормаларга қатъий rioя этишини намён қилиб, унинг жаҳон maidонидаги нуфузини оширишга ҳисса қўшади. Асосийси, атроф-муҳит билан боғлиқ бўлган масалаларда жамоатчилик иштироки кафолатланади.

Одилжон МАМАДАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.



ҚОНУН ЛОЙИҲАСИГА ҲАЁТИЙ ТАКЛИФЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан аҳолига ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатишни янада такомиллаштириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлашга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланмоқда.

Лойиҳада ижтимоий хизмат ва ёрдамларни кўрсатишда қонунчиликда белгиланган тартиб-таомилларни бажармаслик, стандартларни бузиш, ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча квота ажратмаслик билан боғлиқ ҳаракатлар қонунбузилиш сифатида малакаланиши белгиланяпти. Хусусан, қурилиш соҳасида назорат қилувчи орган томонидан шаҳарсозлик ҳужжатлари лойиҳаларида ногиронлиги бўлган шахсларга шароитлар яратиш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳага rioя этмаган ҳолда қурилиш-монтаж ишлари тугалланган объектдан фойдаланишга рухсатнома берганлик учун жавобгарлик назарда тутилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси шу йил 18 март кuni бўлиб ўтган Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилиниб, уни янада такомиллаштириш, пишиқ-пuxта ҳолатга келтириш бўйича қатор таклиф ва тавсиялар берилган эди.

Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишлаб ўтказилган ишчи гуруҳ йиғилишида ушбу таклифлар чўқур таҳлил этилди. Депутатлар томонидан билдирилган мулоҳазалардан келиб чиқиб, қонун лойиҳасига бир қатор ўзгартришлар киритилди.

Шунингдек, сиёсий партиялар фракциялари вакиллари берган муҳим таклифларнинг асоси, деб топишганлари ҳужжат матнида акс эттирилди ва лойиҳа қар томонлама пишиқ-пuxта ҳолатга келтирилиб, маромига етказилди.

Айни пайтда қонун лойиҳаси қуйи палатанинг навбатдаги мажлисига иккинчи ўқишга муҳокама қилиш учун киритишга тайёрланмоқда.

ИЖТИМОИЙ ЁРДАМ ВА ХИЗМАТЛАР МАНЗИЛЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан яна бир муҳим ҳужжат — аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланмоқда.

Унинг муҳокамасига бағишлаб депутатлар, ишчи гуруҳ аъзолари, ҳуқуқшнослар иштирокида ўтказилган йиғилишда уни янада такомиллаштириш бўйича сиёсий партиялар фракциялари аъзолари томонидан берилган таклифлар чўқур таҳлил қилинди.

Лойиҳа билан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг ижтимоий ёрдам ва хизматлардан фойдаланиш тўғрисидаги аризалардаги имзолари, агар “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари томонидан ҳақиқийлиги текширилган бўлса, нотариал шаходатлаш талаб этилмаслиги назарда тутилмоқда.

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ариза берувчиларнинг уларнинг розилиги асосида банк сирини ташкил этувчи маълумотларини ахборот тизими орқали электрон тарзда олишга ва ишлов беришга ҳақли эканлиги белгиланяпти.

Ишчи гуруҳ йиғилишида қонун лойиҳаси атрофлича кўриб чиқилиб, депутатлар томонидан ундаги айрим нормалар бўйича қатор масалалар кўтарилди. Ҳужжат матнини янада такомиллаштириш, пишиқ-пuxта ҳолатга келтириш ва маромига етказиш юзасидан қўллаб таклифлар берилди.

Ушбу ҳужжат ижтимоий ҳимоя органи томонидан эҳтиёжманд аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ҳар томонлама баҳолаш орқали давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам ва хизматларнинг манзиллилигини таъминлашга ҳисса қўшади.

Масъул қўмитада қонун лойиҳасини такомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

ТОНГГА ПЕШВОЗ ЧИҚҚАН МУҚАДДАС ЗАМИН



“Устоз келяпти”, дейилган заҳоти бозордаги одамлар бу табаррук зотнинг хурматини қилиб, сукут сақлаб турарди. Уни “Муаллими ислом”, яъни “Ислом динининг муаллими” дея эъзозлашган. Шу буюк аждодимиз шарофати билан Бухоро “Қуббат ул-ислом” (“Ислом динининг гўмбазини”) деган шарофга лойиқ кўрилди. У яшаган маҳалла дарвозаси “Хакроҳ”, яъни “Хак йўли” деб аталди.

— Абу Хафс Кабир асос солган мадраса Бухородаги энг қадимий олий ўқув юрти саналади, — дейди тарих фанлари доктори, манбашунос олим Комилжон Раҳимов. — 800 — 810 йиллар атрофида қурилган бу табаррук даргоҳ шўролар инқилобига қадар фаолият кўрсатган. Унда ўз даврида Имом Бухорий ҳам таҳсил олган. Гулбод, Ғарибия, Форжак, Кулартегин каби мадрасалар тарихи ҳам IX-X асрларга бориб тақалади. Умуман, Мир Араб мадрасаси бунёд этилгунга қадар Бухоро ва унинг атрофида йигирмадан зиёд турли тоифадаги олий ўқув юртлари бор эди.

Мир Араб мадрасасига келсак, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2023 йилда унинг 500 йиллиги кенг нишонланди. Мустиқиллик шарофати ила Хожа Абу Хафс Кабир мангу қўним топган гўша ҳозир обод қадамгоҳа айлантирилган. Сайфиддин Бохарзий номи билан аталувчи маҳалладаги “Фатҳобод” зиёратгоҳида эса “Ислом тамаддуни намояндалари” хиббони барпо этилмоқда.

«Қандай бахтли онасиз!»

“Мустиқиллик” сўзини бежиз тилга олмадик. Истиқлол йилларида миллий ва диний қадриятларимиз қайта кўз очди. Дунё Бухорога, Бухоро дунёга юз бурди. Ёшларимиз Бухорийлар, Ибн Синолар авлоди эканидан кўнглида гурур ҳиссини туймоқда. Маррани банд оляпти.

Мана, Бухоро шаҳридаги 2-умумтаълим мактаби битирувчиси Парвиз Тўқсановни олиб кўринг. У Ўзбекистон тарихида биринчи марта SAT (Scholastic Aptitude Test) — халқаро академик баҳолаш тестидан 1600 балл тўплашга эришди. Натижада ёш ҳамюртимиз учун дунёнинг етакчи олий ўқув юртлари ўз эшигини очди.

Дарвоқе, яқинда унинг ҳаётида яна бир унутилмас воқеа содир бўлди. Давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан мулоқотида иштирок этиб, эришган ютуқлари ҳақида сўзлаб берди.

— Бу биз учун тарихий кун бўлди. Ўғлим туфайли эътиборга сазовор бўлдим, — дейди шу тадбирда қатнашган Феруза Нуриддинова. — Президентимиз менга мурожаат қилиб, “Қандай бахтли онасиз! Бухорои шариф дейди Бухорони. Шарифликка муносиб фарзанд етиштирибсиз, сиздан миннатдорман”, деган самимий сўзларни айтганида бениҳоя тўлқинландим. Ўғлим мисолида баралла айта оламаники, фарзанднинг келажагига сармоя киритган ота-она асло ютқазмайди.



Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Вилоятда Парвиз каби илмга ташна ўқувчилар кўп. Ўтган йилда улар халқаро фан олимпиадаларида 22 та медални қўлга киритди. Умумтаълим мактабларини тамомлаган 11-синф битирувчиларининг 12 минг 797 нафари ёки 58,3 фоизи олий таълим муассасаларига талабалikka қабул қилинди. Кириш имтиҳонларида тўпланган ўртача балл 89,2 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич бўйича вилоят республикада етакчи ўринда!

Сўнгги уч йил мобайнида эришилган натижаларни солиштирадиган бўлсак, битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш улуши 25 фоиздан 54 фоизга, кириш ўртача балл кўрсаткичи 70 дан 89,2 баллга ошганини кўриш мумкин.

Амаллар ниятга боғлиқ

Ҳа, бугун Бухоро вилоятининг қай бир гўшасига борманг, бунёдкорлик ишларини кўрасиз. Ҳатто марказдан узоқ туманларда ҳам шу вақтга қадар мисли кўрилмаган мегадойихалар амалга оширилмоқда. Масалан, “Қорақўл” эркин иқтисодий зонасида барпо этилаётган газ-кимё мажмуасини олиб кўрайлик. Марказий Осиёдаги энг йирик саноат инвестиция лойиҳаси саналган бу объектда метанолдан олифен олиш технологияси йўлга қўйилди. Қиймати 2,7 миллиард АҚШ доллари тенг лойиҳа натижасида йилга 2,1 миллиард куб метр газ қайта ишланиб, юқори ликвидли маҳсулотлар тайёрланади. Сирасини айтиганда, 7-8 йил муқаддам буни тасаввур ҳам қилиш мушкул эди.

Нефть ва газ соҳаси вилоят иқтисодиётининг устувор йўналишларидан саналади. Бухоро нефтини қайта ишлаш заводи ёки Газли нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармасида бўлган киши бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилади.

— Кекса чўпонларнинг эслашлари-ча, бир пайтлар гугурт чақилса, оёқ остидаги ердан учун чиққан, — дейди Газли нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармаси бошлиғи Жасур Аҳмедов бизни бийдай саҳродаги технологик ускунанинг ишлаши билан таништиркан. — Лекин вақт кўрсатдики, ер ости бойликлари битмас-туғанмас эмас. Эндилқда табиий газни 1,5-2 минг метр ва ҳатто ундан ҳам чуқурроқда жойлашган қудуқлардан қазиб олишга тўғри келяпти.

Шу боис ҳам саҳро бағридаги бу корхонада Президентимизнинг тегишли қарорига мувофиқ янги технологик қурилмалар ишга туширилди. “Учқир”

газни олтингуртдан тозалаш мажмуаси Газли газни қайта ишлаш заводи сифатида қайта ташкил этилди. Қудуқларни ишлатиш билан боғлиқ жараён рақамлаштирилди. Натижада масофадан туриб у ёки бу қудуқдан газ қазиб олиш жараёнини тўлиқ назорат қилиш имкони туғилди.

Ёки бошқа бир мисол. Бухоро шаҳрида “Bukhara Next Generation Product” МЧЖ томонидан қиймати 120 миллион АҚШ доллари бўлган бизнес лойиҳа амалга оширилди. Бу ерда йилига икки миллионга электроника ва маиший техника воситаси ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Муҳими, корхонада икки мингта иш ўрни яратилди. Бу далилга алоҳида уруғ беришимиз бежиз эмас. Замон шиддат билан ўзгармоқда. Инсон талаб ва эҳтиёжи ҳам бир жойда туриб қолмаяпти.

Шу нуқтаи назардан, “Инсон қадрини” тамойилига юртимизда амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг асоси сифатида қаралаётгани айни мурдао. Дейлик, Қорақўл ва Ёғдўвон туманларидаги “Янги Ўзбекистон” мас-сивларида 360 хонадонли 18 та кўп қаватли ўй-жой барпо этилди. Вилоятда аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 74 фоизга етказилди. Жаҳон ва Осиё микёсидаги спорт мусобақаларини ўтказиш имконига эга “Универсал” мажмуаси қурилди. Булар давлатимиз раҳбарининг вилоятга қилган ташриф ўлароқ амалга оширилган ишлардан бир шингил, холос.

— Ҳадисларда айтилганидек, ҳамма амаллар ниятга боғлиқ, — дейди шофирконлик дондор дехқон, Ўзбекистон Қўрамонни Азим Латипов. — Эзгу мақсад билан бошланган ишлар юртдошларимизнинг ўз ҳаётларидан рози бўлиб яшашилари учун хизмат қилмоқда.

Бу фикрни статистик маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Чунончи, табиий газ, нефть, графит, бентонит, мармар, гипс каби табиий ресурсларга бой, тўқима-чилик саноати жадал ривожланаётган вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2024 йил якуни билан 71,6 триллион сўмга етди. Бу 2023 йилдагига нисбатан 106,6 фоизга кўп. Ўтган йили 236 минг кишининг бандлиги таъминланди. Ишсизлик даражаси 6,5 фоиздан 5,1 фоизга тушди. Камбағаллик даражаси эса 7,3 фоизни ташкил этди. Ваҳоланки, 2023 йилда бу кўрсаткич 11,8 фоиз эди.

Ташриф буюришга энг муносиб шаҳар

Кўҳна Бухорони сайёҳларсиз тасаввур этиш мушкул. Унинг туристик салоҳиятини кўрган чет эллик инвесторлар йирик лойиҳаларга сармоя тикмоқда. “Wyndham”, “Mercure”, “Sahid” каби таниқли халқаро брендларга хос икки та тўрт юлдузли, тўртта уч юлдузли меҳмонхоналар иш бошлади. “Hyatt regency”, “Hilton”, “Ramada” каби халқаро брендлар ҳам меҳмонхоналарини ишга тушириш арафасида.

— Сайёҳларга зарур инфратузилма яратиш қўламини йил сайин кенгаймоқда, — дейди вилоят туризм бошқармаси масъул ходими Бобуржон Тўқсанов. — Ўтган йил якунида меҳмонхоналар сони 607 тани ташкил этди. Бу эса 2023 йилдагига нисбатан 111,6 фоизга кўп. Туристтик корхоналар эса 186 тага етди. Бу давлатимиз томонидан олиб борилаётган очиклик сиёсати, соҳада амалга оширилаётган иш-хотлар натижаси, албатта.


Қадимий ёдгорликларни асраб-авайлаш, консервация қилишга ҳам эътибор кучаймоқда. Президентимизнинг ташаббуси билан 156 миллиард сўм миқдоридаги маблаг обидаларни таъмирлашга йўналтирилгани фикримиз исботи. Бунгача эса Ўртбошимизнинг топириқ ва тавсиялари асосида етти пир — Абдуллоҳиқ Ёғдўвоний, Муҳаммад Ориф Ревгарий, Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа али Ромитаний, Муҳаммад Бобойи Самосий, Саййид Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанд мажмуалари янада обод этилган эди. Ўтган йилда Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасида 600 йилча муқаддам қурилган “Тоқимёна” зиёрат йўлагига тарихий манбалар асосида қайта тикланди. Пирларда туризм намоиши объектлари сони 300 тадан ошди.

Вилоятда сайёҳлик иқтисодиётнинг етакчи бўғинига айланиб бораётир. Чунончи, ўтган йилда Бухорога 1 миллион 745 минг нафардан зиёд хорижий сайёҳлар ташриф буюрди. 2023 йил билан таққослаганда бу кўрсаткич 125,8 фоизга ошди. 2024 йилда туризм экспорти ҳажми 436,3 миллион АҚШ долларида етди. Бу аввалги йилдагига

биҳовуз бўйида уч-тўрт чоғли маҳаллий фуқародан ниманидир сўрар, улар эса бир-бирларига қараб елка қисшар эмиш. Суриштирса, меҳмонга санъат музейининг манзили керак экан. “Қанийди, ҳар бир оилада дам олиш кунлари музейга бориш анъанаси шаклланса, шунда юқоридагига ўхшаш хижолатпазлик бўлмасмиди”, дейди таъинимиз.

— Худди шунга ўхшаш воқеага мен ҳам шохид бўлдим, — дейди ёғдўвонлик ижодкор Комилжон Жўраев. — Биласиз, улуғ адиб Садриддин Айний туманимиздаги Соктаре қишлоғида туғилиб ўсган. Бу ерда унинг шарофига музей ташкил этилган. Афсуски, бошқа жойларни кўя турунг, соқтарелик айрим ёшлар ҳам шундай гўшанинг борлигини билмайди.

Лоақал бир нусха газета ва журнал кириб бормаётган маҳалла ва қишлоқларни айтмайсизми? Ҳукуматимизга раҳмат, таълим муассасалари кутубхоналари давлат ҳисобидан қатор газета-журналлар билан бойимокда. Лекин муаллимлар орасида бадий-илмий китоблар, матбуот нашрларини ўқишга, билим ва дунёқарашни юксалтириш



шу бўлган, дордини кимга айтасан?!

Сайёр қабулларда оилавий можаролар, алимент масаласи, ўй-жой қурилишидаги фирибгарликлар юзасидан мурожаатлар кўплиги кузатилмоқда. Ваҳоланки, китобга ошно тутинган, дунёқараши кенг ёшларнинг оила, турмуш қадрига етиши, бир-бирини тушуниб яшаши аллақачон ўз исботини топган. Қолаверса, қурилишдаги фирибгарликлар ортида ҳам маънавий дунёси ғариб кимсалар тургани кундай равшан. Шу сабаб виждонинг жигилдонга уриб, нафс қўлга айланишган. Тажжубки, ўз ҳаққуқини тузукроқ билмаган фуқаролар уларнинг тузоғига тушган...

Ғалпинг индаллоси шуки, маънавий-ятсизлик, лоқайдлик, билимсизлик ба-лосидан ўзимизни, фарзандларимизни асрайлик. Токи, иллат газак олмасин!

Енгил нафас олар она Бухоро

...Келинг, яна хайрили амаллар, ҳуш-хабарларга тўхталайлик. Зеро, 2025 йил воҳа аҳлига кўплаб эзгу ниятларнинг рўёбини ваъда қилмоқда. Масалан, “Янги Ўзбекистон” массивларида 540 та хонадонга мўлжалланган 12 та, талаб юқори ҳудудларда эса 128 та кўп қаватли ўй-жойлар барпо этиляпти. Гулчорбоғ маҳалласидаги 50 гектар ерда вилоятнинг янги маъмурий маркази қурилишига киришилди. Шайхон маҳалласида Бухоро давлат университетининг 20 минг ўринли янги кампуси барпо қилинади. Қорақўл туманида эса Анария университетининг лойиҳа қиймати 90 миллиард сўм бўлган биноси фойдаланишга топширилади.

— Бухоро туманидаги “Новметан” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида замонавий аэропорт қурилишига киришилмоқда, — дейди вилоят ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари Олимжон Жўраев. — У ишга тушган, соатига 1200 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлади. Амалдаги аэропорт эса соатига 400 кишини қабул қилиш имконига эга, холос. Шунингдек, янги аэропорт томон 23 километр узунлиқда автомобиль йўли қурилади. Ендош ҳудудда “Янги Ўзбекистон” боғининг барпо этилаётганидан ҳам юртдошларимиз беҳад мамнун. Замонавий бу боғ воҳанинг ўзига хос “ташриф қоғози”га айланади.

— Бухорода тахсил оляпман, — дейди хоразмлик талаба Уллибиби Ғойибова. — Бухоро — Урганч — Хива темир йўлида юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоезд қатнови йўлга қўйилишини эшитиб, жуда сунюндим. Негаки, ота-бобаларимиз “Йўл азоби — гўр азоби”, деб бежиз айтмаган. Биз учун энди йўлнинг олислиғи муаммо бўлмай қолади. Айтишларича, электропоезд бориб-келиш вақтини уч соатгача қисқартиради.

Узунлиги 465 километрдан иборат бу йўналишдаги тезюрар поездлар ички ва ташқи туризмни ривожлантиришда ҳам муҳим ўрин тутди, албатта. Бугина эмас, вилоятда йўлсозлик, аҳолини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш, автотранспорт хизмати кўрсатиш каби қатор соҳаларда ҳам салмоқли ишлар бажарилляпти.

Яқинда эса яна бир хушхонар қанот ёзди. Бухоро ЮНЕСКОнинг нуфузли “Ижодкор шаҳар тармоғи” дастурига қўшилди. У минтақамизда шундай шарофга эришган дастлабки шаҳарга айланди.

Айни дамда эса қадимий ва навқирон Бухоро яна бир йирик тадбир таррадулида. Шаҳарнинг тарихий қисмида Марказий Осиёда илк бор халқаро тасвирий санъат биеналлеси ўтказилди. ЮНЕСКО шафелигида ташкил этиладиган бу тадбир ҳам халқимиз ижодкорлик, бунёдкорлик салоҳиятининг кўзгусига айланиши муқаррар.

Хушхабарлар, залварли режалардан киши қушдек енгил тортади. Қалб шукроналик ҳиссини туюди. Ёруғ орзу-умидлар оғушидаги юртда яшаш бахтидан кўнгли нурланади.

Тонгга пешвоз чиққан муқаддас замин, Беқисе гўзаллик бахш этар дамлар. Қўтариб тобора шухрату шаънин, Бунёдкор эл яна дадил одимлар!

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ БИРГАЛИКДА КУРАШИШ ЗАРУР

Қолаверса, ҳар бир тадқиқот илмий этика ва ахлоқий тамойиллар асосида мустақил экспертлар томонидан баҳолашиши, албатта, ўз самарасини беради. Илмий соҳада ҳалоллик ва ахлоқий қоидалардан чиқиб ҳолатлари мавжудлигини ҳам ҳисобга олиб, ҳар бир университетда илмий ҳалоллик бўйича мустақил комиссия тузиш, илмий этика бўйича махсус ўқув курсларини жорий этиш ва ҳар бир тадқиқотчи ушбу курсни ўтишини мажбурий қилиб қўйиш керак. Шунингдек, илмий грантларни ажратиш тизимини ислоҳ этиш фурсати ҳам етди, деб ҳисоблаймиз. Чунончи, грант ва молиявий маблағлар тақсимооти шаффофлигини таъминлаш учун грантларни баҳолаш тизимини рақамлаштириш ва автоматлаштириш керак. Баҳолаш жараёнида эса ҳорижий мустақил экспертлар иштирокини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Грантларнинг натижалари ва маблағлар қандай сарфлангани ҳақида давлат портали орқали ҳисоботлар бериш механизминини жорий қилиш, бундан ташқари, молиявий аудит ва мониторинг тизимини кучайтириш лозим. Чунки тадқиқот лойиҳаларига ажратилган маблағларнинг сарфлангани устидан назорат баъзи ҳолатларда самарали эмас. Барча илмий лойиҳалар учун мажбурий аудит тизимини жорий этиш ҳам мумкин. Ўз навбатида, давлат ва халқроқ экспертлар томонидан мустақил мониторинг ўтказиш тизимини ҳам йўлга қўйиш керак.

Ўзбекистон илмий муҳитида халқроқ шериклик ва мустақил баҳолаш тизимининг баъзи соҳаларда суст шаклланишига илмий ҳамкорлиқни ривожлантириш заруратини тақозо этади. Яъни илмий лойиҳаларни халқроқ ташкилотлар (Transparency International, UNESCO) билан шерикликда баҳолаш ҳамда ҳориж университетлари ва илмий институтлари билан ҳамкорлиқни кенгайтириш лозим. Академик лицензиялар ва сертификатлаш амалиётини жорий этиш мақсадида ҳар бир тадқиқотчи илмий

ишининг сифати бўйича халқроқ рейтинг юритилиши керак. Бунда, илмий даражалар бериш жараёнида мустақил халқроқ экспертлар қатнашиши мажбурий қилиниши лозим.

Олий таълим тизими коррупциядан тозаланмаган, ҳалол ва шаффоф бўлмаган мамлакатнинг келажаги яхшимас. Минг афсуски, яқин тарихимизда таълим соҳасида коррупция илдиз отган эди. Мактабча таълим муассасасидан тортиб, то олий таълимгача коррупция гирдобиди қолганди. Бунинг натижасида халқимизда таълим тизимига нисбатан ишонч йўқолди. Минг шукрки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси туфайли бугун таълим тизимидаги коррупцион схемаларга барҳам берилмоқда.

Эндиликда қабул жараёнларидан кўнгилмиш тўқ, лекин ўқув оралик сессияларида ҳалиям коррупция ҳолатлари учраб турибди. Олийгоҳларда жорий имтиҳонлар бугун шундай тартиб-тамойил асосида ўтказилмоқдаки, унга кўра муайян фандан дарс ўтган профессор-ўқитувчи имтиҳонда қатнашмаяпти. Бу ижобий ўзгариш, албатта. Навоий давлат университетида ҳам 2018 йил 5 июнда қабул қилинган "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарорида мувофиқ таълим йўналишларининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда талабалар билиминини баҳолашнинг замонавий, шаффоф ва адолатли усуллари, хусусан, муайян фандан дарс берган педагогнинг яқиний назорат жараёнларидаги иштирокини тўлиқ истисно этадиган тизим жорий қилинган.

Яна бир ёндашув, бу муурожаатлар билан ишлаш ва коррупцияни аниқлаш тизимини такомиллаштиришдир. Бу йўналишда аноним хабар бериш тизимини жорий этиш, коррупция ҳолатлари бўйича шаффоф текширув ўтказиш амалиётини татбиқ этиш

даркор. Илмий коррупция ҳолатларини аниқлаш учун мустақил кузатув органи тузиш, жазо чораларини кучайтириш керак. Плагиат ёки коррупцияга арашган тадқиқотчилар ва профессорларнинг фаолиятини бутунлай чеклаш ва лицензиясини бекор қилиш механизминини амалиётга татбиқ этиш, илмий ҳалоллики бузганлар учун жазо муқаррарлигини таъминлаш масаланинг яна бир ечими бўла олади. Шу билан бир қаторда, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизимида коррупцион хатти-ҳаракатларга йўл қўйган профессор-ўқитувчилар ва ишчи-ходимлар учун ягона реестр яратиб, унга кирган ходимларнинг бошқа олий таълим муассасасига ишга қабул қилинишининг олдини олиш мумкин.

Бундан ташқари, олий таълим муассасалари бакалавр ва магистратура босқичи битирувчи талабалари ўртасида коррупцияга қарши курашиш соҳасида илмий мақолалар танловини ташкил этиш ҳам ўз самарасини беради. Шунингдек, барча профессор-ўқитувчиларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш учун тавсия қилинган жараёнларда

“ижтимоий ишонч” муҳим аҳамиятга эга. Бу — фуқаронинг бошқа фуқарога ишончи, дегани. Шундан келиб чиқиб, барча олий таълим ташкилотларида талаба ва масъуллар ўртасида ўзаро ишонч муносабатларини шакллантириш лозим. Шу мақсадда

Коррупцияга қарши кураш, бу — узоқ истиқболга мўлжалланган ва муайян жамиятда яшовчи ҳар бир шахсдан катта масъулият талаб этадиган жараёндир. Зеро, ушбу иллат ҳар қандай жамиятда давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий жабҳаларида амалга оширилаётган ислохотларига ҳамда мамлакатнинг халқроқ майдондаги иможи ва инвестициявий жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатиб, тараққиёт барқарорлигига таҳдид солиб туради. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатлами, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимишга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг олдини олишга ўтишимиз керак. Шундай экан, олийгоҳлар ҳам бу борада ҳамжиҳатликда шу иллатга қарши кураш олиб бориши кўзланган мақсадларга эришишнинг энг самарали йўлидир.



билан ахборот алмашинувини таъминлайди. Талабаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширади ва тизимдаги коррупциянинг сезиларли даражада пасайишига сабаб бўлади.

Тўғри, бугун коррупция муаммосидан холи мамлакатни учратиш мушкул. Бироқ унга қарши курашишда ибратга лойиқ тажрибага эга давлатлар кўп. Шу ўринда, Финляндия тажрибасига асосланиб, мажбурий ротация амалиётини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Бу лавозимли шахс атрофида турли иллатлар учричи эҳтимолнинг олдини олади ва соф рақобат муҳитини шакллантиради.

Янги Зеландия тажрибасига кўра жамият ривожланишида “ижтимоий ишонч” муҳим аҳамиятга эга. Бу — фуқаронинг бошқа фуқарога ишончи, дегани. Шундан келиб чиқиб, барча олий таълим ташкилотларида талаба ва масъуллар ўртасида ўзаро ишонч муносабатларини шакллантириш лозим. Шу мақсадда

Коррупцияга қарши кураш, бу — узоқ истиқболга мўлжалланган ва муайян жамиятда яшовчи ҳар бир шахсдан катта масъулият талаб этадиган жараёндир. Зеро, ушбу иллат ҳар қандай жамиятда давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий жабҳаларида амалга оширилаётган ислохотларига ҳамда мамлакатнинг халқроқ майдондаги иможи ва инвестициявий жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатиб, тараққиёт барқарорлигига таҳдид солиб туради. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатлами, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимишга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг олдини олишга ўтишимиз керак. Шундай экан, олийгоҳлар ҳам бу борада ҳамжиҳатликда шу иллатга қарши кураш олиб бориши кўзланган мақсадларга эришишнинг энг самарали йўлидир.

Муҳиддин КАЛОНОВ,
Навоий давлат университети ректори,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

ҲАРБИЙЛАРИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО РЕКОРДИ



Шунингдек, якка тартибдаги бахсларда III даражали сержант Шоҳруҳ Жовқашев 3 километр 219 метр масофани 11 дақиқа 18 сонияда босиб ўтган бўлса, кичик сержант Алишох Абдуллаев 250 метр масофага югуриш давомида мажмуавий машқларни 1 дақиқа 18 сонияда бажариб, 5 килограмм оғирликдаги коптукни 12,3 метр масофага улоқтиришга муяссар бўлди. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур шартларнинг барчасида ҳарбий хизматчиларимиз мусобақа рекордини янгилади.

Яқунда ҳарбий хизматчиларимиз мусоба-

қанинг махсус соврини билан тақдирланди. Бу дастлабки ютуқ эмас, албатта. Мазкур мусобақада ўзбекистонлик ҳарбий хизматчилар 2019 йилдан бери муваффақиятли қатнашиб, мутлақ устунлик билан ғолибликни қўлга кириштириб келди.

Ғолиблар пойтахтимиздаги Ислон Каримов номидаги Тошкент халқроқ аэропортида тантанали кутиб олинди. Маросимда ҳарбийлар ютуғи мудофаа тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг самараси, дея эътироф этилди.

«Халқ сўзи».

ХАЛҚЛАРНИ, МИЛЛАТЛАРНИ ЯНАДА ЖИПСЛАШТИРГАН АЙЁМ

Мамлакатимизда Наврўз байрами кўтаринки руҳда нишонланди. Ушбу айёмнинг шуқуқи, бетимсол, боқий қадриятлари ҳар бир хонадонга, ҳар бир қалбга кириб борди, десак, муболага эмас. Пойтахтимизда ўтказилган асосий тантананда Президентимиз иштирок этиб, халқимизни байрам билан қўлагани юртдошларимизни ниҳоятда хурсанд қилди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида “Наврўз азалдан халқимизнинг миллий ва умумбашарий қадриятларга, дунёвий давлат тамойилларига, бағрикенглик, чин дўстлик ва ҳамкорлик гоғларига содиқлигининг аққол рамзидир. Бу айём юртимиздаги барча миллат ва элат вакиллари учун сеvimли, том маънода умумхалқ байрамига айланган”, дея таъкидлагани Наврўз руҳи ва фалсафасини ифодалаб, мамлакатимизда яшаётган турли халқлар қувончига-қувонч қўшди. Юртимизда анча йиллардан буюн истиқомат қилиб, турли соҳаларда фаолият юритиб келаётган ҳорижликларнинг фикр-мулоҳазалари, дил сўзлари айнан шу ҳақда.

Акс садо

Лиу ЧУНЯН,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессори (Хитой):


— Ўзбекистонда баҳорий кун ва тун тенглиги — янгилиниш ва яшариш, табиатда уйғониш фасли бошлангани ифодасидир. Бундай пайтда ўзбек маҳаллаларини кезишни, халқингизнинг ўлмас урф-одатлари, анъаналарини кузатишни ёқтираман. Бу галги Наврўз ҳам ана шундай шуқуҳга тўла. Хонадонлар ўчоқларида сумалак пиширилиб, димончи қитқилоччи хиди чоратрофга таралмоқда. Боғу хибонларда ўтаётган сайилларда момоларнинг доира чалиб, дostonларни, халқ қўшиқларини баралла қўйлаши ҳар бир инсон кўнглига ёруғ туйғуллар бахш этади.

Бу каби анъаналар Хитойдаги Қингминг фестивали одатларига ўхшаш. Бундан англашладикки, маданий резонанс икки буюк миллатнинг қадимий цивилизациялараро мулоқоти натижаси бўлиб, Хитой ва Ўзбекистон ўртасида азалдан

номоддий ришта борлигини кўрсатади.

Наврўзи олам минг йиллар давомида Буюк Ипак йўли орқали маданий тимсол сифатида илдиз отиб, замон ва макондан ошиб Хитойгача етиб борди. Ушбу маданий хайрихоҳлик минтақавий барқарорлик ва тараққиётга йўл очди. Шунингдек, ЮНЕСКО Наврўзнинг маданий хилмаҳиллиқни тарғиб қилиш ва жамият ҳамжиҳатлигини мустақкамлашдаги ролини, диний бағрикенглик ва минтақавий татувиликдаги ўрнини алоҳида таъкидлади. Бу Шарқ цивилизацияси биргаликда уйғунлиқни ифодалашининг яна бир ёрқин намунасидир.

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган хитойлик олим сифатида бу қўнча байрам давлатларимиз ўртасида маданий алоқалар яқинлиги белгиси эканини чуқур ҳис этаман.



Гусейн ТИКАЕВ,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доценти, филология фанлари номзоди (Россия Федерацияси):

— Наврўз — Шарқнинг, жумладан, Ўзбекистоннинг энг сеvimли қўнча байрамларидан бири. У баҳорнинг кириб келиши, табиат уйғониши, қўёш тақвимида кўра янги йил, янги кун бошланишини рамзий тарзда ифодалайди. Асли доғистонлик бўлсам-да, анча йиллардан буюн ота-онам билан Тошкентда яшаймиз.

Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этган байрам тадбирларини кузатиб, Наврўз халқингизнинг маданияти ва анъаналарини, умумбашарий гоғларни ифода этишига яна бир бор амин бўлдим.

Ўзбекистонда Наврўз атрофга яшиллик, фаровонлик ва шуқуҳ улашиб кириб келди. Байрам арафасида чор-атроф тозаланди, маҳалалар, ҳовлино кўчалар саранжом-саришта қилинди. Байрам кунни одамлар янги миллий кийимлар билан безанди. Йигитлар дўппи кийгани, қизларнинг эса сочини қиққ ўрим қилиб ўргани байрам тафтини янада оширди.

Наврўзни ўзбек дўстларимиз билан бирга нишонладик. Улар хонадониди буғдойдан мазали сумалак тайёрладилар. Баҳорнинг бу танси таомни ҳар қандай кишига шўқ келиши аниқ. Бундан ташқари, ноз-неъматга тўла дастурхондаги ош, қўқсомса, ҳовлайтар ва меваларнинг таъми ўзгача. Қишлоқлар ва овулларда, боғу хибонларда концертлар, миллий рақслар, спорт мусобақалари, ярмаркалар, санъат кўргазмалари ташкиллаштирилгани байрамнинг жозибасини янада кучайтирди. Уларда турли миллат ва дин вакиллари ҳамжиҳатлик билан иштирок этди.

Бу Наврўзнинг нафақат баҳор байрами, балки миллатлараро дўстлик, тинчлик ва бирлик рамзи эканининг яна бир намоёнидир.

Азим АХТАМОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

БАҲОР НАФАСИНИ ҲИС ЭТМОҚ – БАХТ

Бир куни Тошкент вилоятига ёшлар билан учрашувга бордим. Кўплаб йигит-қизлар қаторида ёнимда кўзи ожиз бир йигит ўтирган экан. У мени пайқаб, қўлимдан ушлади-да: “Устоз, бир саволим бор, — деди, — сизни кўп кузатаман, сўз бойлигингиз жуда катта. Яхши тушунтирасиз. — Лаббай, — дедим қўлимни қаратиб. — Менга тушунтириб беринг: қизил ранг қандай бўлади?.. Мовий осмонда оппоқ булутлар қандай кўринади?.. Кўп эшитаман, одамлар “яшил майса”, дейишади. Яшил майса нимага ўхшайди?..

Эй, умри азиз...

Унинг саволларидан қанчадир пайт жим бўлиб қолдим, ўзим билмаган ҳолда уйга чўмдим. Мен бу йигитга қизил рангни қонга ўхшатсам, у бола қонни кўрмаган. Бамисоли лола, лолалар деб тушунтирсам, бу ҳақда ҳам аниқ тасаввурга эга эмас. Тўғилганидан фақат битта ранг — ё қора, ё оқ рангини билган... Мовий осмоннинг уммон каби чексизлигини, оппоқ булутларнинг момиқ пахтага ўхшашини идрок этиши қийин. Биз эса уларни ҳар кун кўраемиз. Ям-яшил майса деганда, кўз олдимишга айна баҳор палласидаги яшиллик гавдаланди. Лекин у болага қандай тушунтиришга ақлим етмади. Умримда ҳам ҳолат бўлади, мен шу йигитнинг саволига жавоб беролмадим.

Кейин ўйладим: биз ҳаётда жуда кўп ношукрлик қиламиз. Эрталаб уйгонгандан ҳал этишимиз керак бўлган баъзи ишларни ўйлаб қолишни бошлаймиз, баъзида ётган ўрнимиздан тургимиз, ҳарақатлангимиз, юргимиз келмайди. Нималарнидир муаммо қиламиз, моддий масалаларни, қанақадир ҳаётдаги пасту баландлиқни, камчилиқни ўйлаб, қийин аҳволда қолгандек ҳис этамиз ўзимизни.

Бирок бу йигит имконияти чекланган бўлишига қарамай, эрта тонгдан туриб (учрашув тоғларнинг бағрида бўлган эди), атайин мазкур тадбирга етиб келди. Қанақадир муддат шу ерда яшади. Қўнлар давомида кузатдимки, ҳаётга интилди, ёнимда бир ёрданчи бўлса-бўлмаса, ҳаракатланди. Унинг ўз олдига қўйган мақсадлар сари интиляётганидан мутасассир бўлдим...

Мен ҳозир гуллаган ўрик ёнимда турибман. Бу боғни устозимиз Омонулла Мадаев шарафига номладик. Японларда одат бор: сакура гуллағанда келиб боғни томоша қиладилар. Чунки мана шу гуллаб турган дарахтни кўриш ҳам бир бахт, аслида. Бу қўнларга етганлар бор, етмаганлар бор. Ҳаётдан нолийдиганлар, шукр қилмайдиганлар билсинки, қўзимиз қўраптимиз, тўрт мучамиз соғ-саломатки, мана шу баҳор қизини сезиб турибмизми, аслида биздан бахтли инсон йўқ. Омонулла Мадаев устозимиз ҳар йили баҳор пайтида Рапконга бориб, боғда ўтирганча ўрик гуллаганидан завқланар экан. Мен тушунман, нимага японлар гуллаган сақурани томоша қиладилар? Улар ҳам баҳор, ҳаётнинг янги довини бош-

Шерзодхон ҚУДРАТХҲҲА,
Ўзбекистон Миллий медиа бирлашмиси бошқаруви раиси, профессор.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ БИР СОАТГА ЎЧИРИНГ

Мамлакатимизда 25 март — “Ер вақти” кунига бағишлаб махсус акция ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ташаббуси билан ташкил этиладиган мазкур акция доирасида барча давлат ташкилотларида электр энергияси бир соатга ўчирилади.

Акция

Мақсад табиий асраш, тежамкорликка риоя қилиш ва бу орқали сайёрамизга гамхўрлик кўрсатишдир. Вазирлик жамоаси юртдошларимизни ушбу акцияга боғлаб бўлмасликка ва кун давомида бор-йўғи 60 дақиқага электр энергиясидан фойдаланмасликка чақирмоқда. Бу билан ҳар бир фуқаро ерни табиий асраб-авайлашга ҳисса қўлиш баробарида, юртдошларимизни ҳам сайёрамизга гамхўрлик қилишга руҳлантиради.

Иқбол ПАРДАЕВА,
журналист.

Мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларининг 11-синф ўқувчилари ўртасидаги асосий фан олимпиадасининг республика босқичига Сурхондарё вилояти мезбонлик қилмоқда.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 342. 15 120 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқати маълумотларини оқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопилхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Тахриратта келган қўлашмалар тақрир қилинмайди ва муаллафга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета тахрират компьютер терминал теримда ҳамда оператор М. Бекмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфия жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 21.05 Топпирлиди — 23.10 1 2 3 4 5 6